

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИЁЗОВ ШУХРАТ ТАШМИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДАГИ ЭНЦЕФАЛИТ АСОРАТЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ЭПИДЕМИОЛОГИК, ПАРАКЛИНИК ВА МОРФОФУНКЦИОНАЛ  
ТАВСИФИ ҲАМДА ПРОГНОСТИК КРИТЕРИЯЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)**

**Ниёзов Шухрат Ташмирович**

Болалардаги энцефалит асоратларининг клиник-эпидемиологик,  
параклиник ва морфофункционал тавсифи ҳамда прогностик  
критериялари .....

3

**Ниёзов Шухрат Ташмирович**

Клинико-эпидемиологическая, параклиническая и  
морфофункциональная характеристика и  
прогностические критерии последствий  
энцефалита у детей.....

27

**Niyozov Shukhrat Tashmirovich**

Clinical, epidemiological, paraclinical and morphofunctional  
characteristics and prognostic criteria for the  
sequelae of encephalitis in children.....

52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИЁЗОВ ШУХРАТ ТАШМИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДАГИ ЭНЦЕФАЛИТ АСОРАТЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ЭПИДЕМИОЛОГИК, ПАРАКЛИНИК ВА МОРФОФУНКЦИОНАЛ  
ТАВСИФИ ҲАМДА ПРОГНОСТИК КРИТЕРИЯЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib474 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансуров Шаанвар Шамуратович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимбаева Гулнара Саттаровна**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Заваденко Николай Николаевич**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 04/30.12.2019.Tib.31.01. рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Паркенткўчаси, 51-уй. Тел./факс: (+99871)268-17-44; e-mail: [info@timpe.uz](mailto:info@timpe.uz)).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс:(+99871)268-17-44; e-mail: [info@timpe.uz](mailto:info@timpe.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
Қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фанлар доктори диссертациясининг аннотацияси (DSc))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Энцефалит ва менингоэнцефалит – болаларда марказий асаб тизимининг энг оғир касалликларидан бири бўлиб, унинг узоқ муддатли оқибатлари беморларнинг ногиронлигига олиб келади. Дунёда вирусли энцефалит билан касалланиш ҳар 100000 болага 3,9 дан 7,5 гача ўзгариб туради. ЖССТ маълумотларига кўра «...марказий асаб тизимининг вирусли зарарланишлари (менингит, энцефалит) нинг 75% ҳоллари 14 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Маълумотлар болалар орасида касаллик тарқалишининг таҳлиliga асосланган бўлиб, ўртача йиллик касалланиш кўрсаткичи йилига ҳар 100 000 кишига 0,83 ёки йилига ҳар 100 000 кишига 2,12 га тўғри келади»<sup>1</sup>. Энцефалит билан оғриган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш, уларни даволашни оптималлаштириш ва реабилитация қилиш ногиронликнинг олдини олишга ҳамда болаларни фаол ҳаёт тарзига қайтаришга ва жамиятда соғлом авлодни кўпайтиришга ёрдам беради ва ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда болалар учрайдиган энцефалитда асаб тизимидаги ўзгаришларнинг клиник-эпидемиологик, параклиник ва морфофункционал жиҳатларига, шунингдек уларни даволаш усулларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада энцефалит ўтказган беморларда асаб тизимининг клиник ва функционал хусусиятларини баҳолаш; неврологик ва нейроиммунологик маркерларни аниқлаш ва уларни баҳолаш тизимини асослаш, касалликнинг турли шаклларида бош миянинг зарарланган бўлимида оксидланиш–тикланиш жараёнларининг бузилишини баҳолаш; марказий асаб тизимининг нейроинфекцион касалликлар фонида даволашда озонланган нейропротекторлардан фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энцефалит ва менингоэнцефалитнинг этиопатогенезнинг янги аспекти ва дифференциал-диагностик белгиларини очилишига ва инструментал тадқиқотларининг объектив баҳолаш усуллари ва диагностик аҳамияти такомиллаштирилиб, бу патогенетик жиҳатдан ориентирланган даволашни такомиллаштириш, ҳамда асоратларни олдини олиш чораларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...ирсий, генетик бирламчи иммунитет танқислиги, туғма ва ортирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда энцефалит билан хасталанган беморларга ногиронлик кўрсаткичларини белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> WHO. The epidemiology and impact of dementia: Current state and future trends. – Geneva: World Health Organization; 2018. – 88 p.:

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Болаларда энцефалитнинг клиник-эпидемиологик, нейрофизиологик, морфологик, мураккаб шакллари ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари, шунингдек уларнинг диагностикасини оптималлаштириш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Огайо штати университетининг тиббиёт факултетида (АҚШ), Гарвард тиббиёт мактабида (АҚШ), Тел-Авив университетининг тиббиёт факультетида (Исроил), Шарите университет тиббий мажмуасида (Германия), Гейдельберг университетининг тиббиёт факультетида (Германия), Оксфорд университетининг тиббиёт факультетида (Англия), Хаджеттепе университетининг тиббиёт факультетида (Туркия), Базел университетиди (Швейцария), Ёнсе университетида (Жанубий Корея), Гвадалахара университетида (Мексика), Комплутенсе Мадрид университетининг тиббиёт факультетида (Испания), профессор А. Л. Поленов номидаги Россия тадқиқот нейрохирургия институтида (Россия) ва Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Энцефалит ва менингоэнцефалит касаллигида асаб тизимидаги ўзгаришларнинг эпидемиологик, клиник ва диагностик жиҳатлари ва даволаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: болаларда энцефалит ривожланишида мия моддасида яллиғланиш ва дегенератив ўзгаришларнинг патоморфологик хусусиятлари аниқланган (Ohio State University, АҚШ); ўткир вирусли энцефалитда вирусли антигенлар томонидан иммунологик бардошлик бузилиши аниқланган (Harvard Medical School, АҚШ); хомила ичи инфекцияларининг, нейроинфекцияларнинг кейинги ривожланиши

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи : <http://www.echp.ru/policlinika4651>, [www.xn80aocaipeaifmp.xn-p1ai](http://www.xn80aocaipeaifmp.xn-p1ai), [www.geront.kiev.ua](http://www.geront.kiev.ua), <http://www.neronsk.ru/cotacts.php>, [www.med-rf.ru](http://www.med-rf.ru), [www.ean.org](http://www.ean.org), [www.aan.com](http://www.aan.com), <https://www.wfneurology.org>, <http://www.thepi.org>, <https://eso-wso-conference.org>, <https://www.ehf2020.com>, <http://www.ihs-headache.org>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/>.

билан янги туғилган чақалоқлар инфекциялар орасидаги мутаносиблиги аниқланган (Heidelberg University, Германия); болаларда энцефалит ва менингоэнцефалит асоратларининг эпидемиология ва этиопатогенезини замонавий жиҳатлари кўрсатиб берилган (Hacettepe University, Туркия); ганглиоз хужайраларнинг структуравий шикастланишининг морфологик асослари ўткир энцефалитда сканерловчи лазер полариметрия ёрдамида исботланган (Complutense University Of Madrid, Испания); энцефалит ва менингоэнцефалитда асаб тизимидаги ўзгаришларнинг этиологияси, клиник диагностикаси ва даволашни ўрганиш таклиф қилинган (University of Yonsey, Жанубий Корея); болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалит асоратларини даволаш тактикасини оптималлаштириш учун озонланган нейропротектор дориларни қўллаш самарадорлиги исботланган (Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Жахонда энцефалит ва менингоэнцефалитда асаб тизимидаги ўзгаришларни клиник диагностикаси ва даволашни илмий асослаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: этиопатогенетик механизмлар ва энцефалит ва менингоэнцефалитда асаб тизимининг зарарланишларини эрта ташхислаш муаммосини ўрганиш; энцефалит ва менингоэнцефалитнинг дифференциал диагностикаси алгоритмларини ишлаб чиқиш, марказий асаб тизимининг зарарланишини прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш; юқори самарали даволаш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; энцефалит ва менингоэнцефалитнинг мумкин бўлган асоратларининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энцефалит ва менингоэнцефалитнинг клиникасидаги неврологик диффектнинг асосий омиллари тажрибада, экспериментал исботлаб берилди. Касалликнинг оғирлиги ва асоратлари бўйича ушбу касалликлар гуруҳи болалар амалий неврологиясида етакчи ўринни эгаллайди (Ревегук Е.А., Карпов С.М. ва бошқалар, 2018). Марказий асаб тизимининг нейроинфекцияси бўлган болаларда этиология, патогенез, эрта диагностика усулларини такомиллаштириш, ўткир даврда самарали даволаш масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, касалликнинг асоратли даврида кечиш хусусиятлари кўрсатиб берилган (Скрипченко Н.В., Вильниц А.А. ва бошқалар, 2016). Энцефалит ва менингоэнцефалитлар гуруҳига нафақат инфекциялар, балки мия ва унинг қобикларининг инфекцион-аллергик, аллергик ва токсик шикастланишлари аниқланган (Скрипченко Н.В., Матюнина Н.В. 2013). Нейроинфекциялар марказий асаб тизимининг бирламчи ва тотал зарарланишининг асосий сабаби эканлиги исботланган. Бошқа гуруҳ олимлари эса мия хужайраларининг шикастланишини бирламчи деб ҳисоблашади, шунинг учун бу бузилишлар хужайраларнинг асосий патологияси сифатида қаралади, нервлардаги ўзгаришлар эса иккиламчи дегенерация натижаси сифатида қаралади. Сўнгги йилларда асаб тизимининг демиелинизацияланувчи касалликларнинг кўпайиши аниқланган (Agarwal R., Gupta V. 2020). Эф ва МЭфда нейровизуализацион тадқиқотнинг замонавий

усуллари юқори диагностик аҳамиятга эгаллиги барча мутахассислар томонидан эътироф этилган, болалар неврологиясида ушбу усулларнинг хусусиятлари этиологик омилга қараб баҳоланган (deBruijn, M. A., Bruijstetal. 2020). Анъанавий даволаниш патогенетик, этиотроп ва симптоматик терапияни, шунингдек реабилитация чораларини ўз ичига олган бир даврда, касалликларнинг узок муддатли даврида, турғун неврологик касалликларни ҳисобга олган ҳолда, даволанишга дифференциал ёндашуви аниқланган (daCostaB. K., SatoD. K. 2020).

Дунёда бош мия тўқимаси ялиғланиш касалликларини ташхислаш ва даволашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан болаларда энцефалитнинг янги клиник-эпидемиологик, параклиник ва морфофункционал хусусиятларини ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш, ушбу касалликларнинг этиопатогенетик сабаблари ва диагностик муаммоларига бағишланган тадқиқот ишлари, функционал ва нейровизуализацион диагностика усулларини такомиллаштириш, Эф ва МЭф учун янги даволаш тактикасини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ 012000260-рақамли "Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2013-2020 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда энцефалит ва менингоэнцефалит оқибатларининг клиник-эпидемиологик, параклиник, морфофункционал хусусиятларини аниқлаш, шунингдек ушбу тоифадаги беморларни даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалардаги энцефалитларни келтириб чиқарган этиологиясига боғлиқ ҳолда касалликнинг клиник-эпидемиологик, параклиник характерини баҳолаш;

болалардаги энцефалитларнинг кечишига биноан клиник – диагностик ва морфофункционал параллелларни аниқлаш;

таққослаш ёрдамида озонланган нейротекторларнинг самарадорлигини ўрганиш учун морфологик моделни тақдим этиш;

прогностик мезонларни аниқлаб, болалардаги энцефалитнинг асоратларини баҳолаш;

болалардаги энцефалит асоратларининг диагностик ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** - 2013 - 2020 йилларда 1-сон Самарқанд Давлат тиббиёт институти клиникасининг болалар неврологик бўлимида даволанган 200 бемор, назорат гуруҳига соғлом 20 болалар олинган. Экспериментал тажриба учун 80 та лаборатория каламушларидан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг предметини** энцефалит ва менингоэнцефалит бўлган беморларнинг клиник неврологик, интеллектуал, нейровизуализацион ва электрофизиологик текширувлар ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейровизуализацион, электрофизиологик, морфологик, лаборатория ва кўп омилли математик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор чақалоқлардаги энцефалит сабаби хомила ичи TORH инфекцияси бўлиб, катта ёшдаги болаларда эса энтеровируслар томонидан қақрилиши аниқланган;

илк бор энцефалитлар асорати сифатида бош мия тўқимасида гипополиморфизм ўчоқларининг доимий сақланиб қолиши аниқланган;

энцефалитнинг асорати авж олишида бош мия тўқимасида нозик ва кўпол чандикланиш жараёнининг ривожланиши экспериментал исботланган;

нейроинфекция натижасида марказий асаб тизимининг зарарланиш оқибатларини даволашда озонланган нейропротекторнинг яллиғланиш ўчоғи атрофидаги инактив нейронларни фаоллаштириши экспериментал исботланган;

илк бор тажрибада энцефалитларнинг давосини озонланган нейропротекторлар қўллаш билан оптималлаштириш нейронларнинг тиклаш муддатини қисқартириши ва уларнинг тўлиқ тикланиши исботланган;

энцефалит ва менингоэнцефалитларнинг асоратларини даволашда анъанавий давога озонланган нейропротекторни қўшиш билан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалит диагностикасининг неврологик, нейровизуализацион, электрофизиологик ва дифференциал-диагностика мезонлари ишлаб чиқилган;

болаларда энцефалит ва менингоэнцефалит хронизациясининг ривожланиш ва жадаллашиш хавфини аниқлашга имкон берадиган математик-статистик прогноз модели ишлаб чиқилган;

нейроинфекция натижасида келиб чиққан марказий асаб тизимининг зарарланишида озонланган нейропротектор ёрдамида узоқ муддатли даврда энцефалит ва менингоэнцефалитни даволаш усули такомиллаштирилган;

диагностика алгоритми, дифференциал диагностика ва болаларда стационар ҳамда амбулатор шароитда энцефалит ва менингоэнцефалитни даволашнинг патогенетик комплекс усуллари таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотнинг услубияти ва дизайни амалий жиҳатдан соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур ишда қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий тиббий-статистик усуллардан фойдаланганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмни энцефалит ва менингоэнцефалит билан оғриган беморларда диагностик ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш амалиётига самарали жорий этилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энцефалит ва менингоэнцефалит ўтказган беморларни комплекс равишда клиник, нейропсихологик, нейровизуализацион, электрофизиологик текширувларини ўтказиш ва таққослаш мақсадида ишлаб чиқилган математик модел касалликнинг хавф гуруҳларини прогнозлашга қулайлик яратади, даволаш чора-тадбирларини ўтказиш асосида касалликнинг кечиш оғирлигини камайиши ва замонавий даволаш тамойиллари яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, энцефалит ва менингоэнцефалитлар асоратларининг эрта диагностикаси ҳамда озонланган нейропротекторларни эрта қўллаш касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш имконини беради, шунингдек, мазкур касалликлар билан оғриган беморларда ногиронликни олдини олиш ва ижтимоий-иқтисодий етишмовчиликлар чорасини ўз вақтида қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалит нинг клиник ва эпидемиологик аспектларини ўрганиш ва даволаш бўйича олинган илмий натижаларга асосида:

болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалитни даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Болалардаги энцефалит қолдиқ асоратларини даволашда озонланган нейропротекторларнинг самарадорлигини клиник ва морфологик асослаш" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июлдаги 8 и-з/248-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болалардаги асоратли кечувчи энцефалит ва менингоэнцефалитларни эрта ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштиришга имконини берган;

болалардаги энцефаломиелит ва энцефалитнинг асоратларини диагностикаси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Энцефаломиелит ва энцефалитлар клиникаси, диагностикаси, даволаш тактикаси ва асоратлари" (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 июлдаги 8 и-з/248-сон маълумотномаси) номли услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома касалликни эрта даврида аниқлаш, асоратларини башоратлаш ва олдини олиш ҳамда касалланган болаларда бош миё фаолиятининг эрта тикланиш имконини берган;

болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалитдаги ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят шифохоналари, шунингдек Китоб ва Денов туман тиббиёт бирлашмалари, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1 -клиникаси амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17931-сон маълумотномаси). Тадқиқотдан олинган натижаларни амалиётга жорий этилиши болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалит асоратларининг клиник кечиши ва даволаш чораларини оптимизациялашга олиб келиб, бу эса даво самарадорлигини оширишга, реабилитация вақтини қисқартиришга, нафақат марказий асаб тизими яллиғланиш касалликларининг асоратларини

олдини олишга, шунингдек озонланган церебролизинни қўллаш натижасида турли хил муддатларда кечувчи касалликнинг оқибатларини бартараф этишга ёрдам берди. Бундан ташқари амбулатор шароитда ҳам болалардаги энцефалит ва менингоэнцефалит асоратларини даволашга замин яратиб берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари учта илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий -амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва кўлами.** Диссертация кириш, етти боб, хулоса, ишлатилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 188 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати очиб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган бўлиб, апробация ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Болаларда Энцефалит оқибатларини ташхислаш ва даволашнинг янги ёндашувлари (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида этиопатогенезнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинди, Энцефалит ва менингоэнцефалитни ташхислаш, даволаш ва уларнинг оқибатларига бағишланган тадқиқотлар ёритиб берилган. Сўнгги 10 йил ичида адабиётларни ўрганиш мавжуд усулларнинг кўпгина афзалликлари ва камчиликларини кўрсатди, шунингдек, ўрганилаётган муаммонинг ҳал этилмаган ёки талаб қилинадиган томонларини аниқлади.

Диссертациянинг **"Клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи"** деб номлаган иккинчи бобида муаммони ҳал этишни таъминловчи методологик ёндашувлар ва усуллар тақдим этилган.

1-босқич-клиник материаллар ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига, шунингдек олинган натижаларни статистик қайта ишлашга бағишланган асосий масалалар кўриб чиқилди. Тадқиқот 2010-2021 даврида

стационар-амбулатория шароитларда кузатилган энцефалит ва менингоэнцефалит билан касалланган болаларнинг клиник-эпидемиологик этиологик таҳлилига асосланган. СамДТИ 1 клиникасининг болалар неврологияси бўлимига стационар даволанишга ётқизилган энцефалит ва менингоэнцефалитнинг турли хил асоратлари (Эфа ва МЭфа) билан 200 нафар бемор таҳлил қилинди.

Тадқиқотда 144 нафар болаларга Эфа 56 нафарига МЭфа ташхис қўйилди. Беморлар ЖССТ таснифига биноан жинси ва ёши бўйича тақсимланди (2017). Барча беморлар икки гуруҳга бўлинди: I гуруҳ анъанавий даво олган бемор болалар; II гуруҳ анъанавий даво билан биргаликда озонланган церебролизин олган беморлардир. Ҳар бир гуруҳ касалликнинг кечиш муддати бўйича яна учта кичик гуруҳларга бўлинди. I гуруҳ: биринчи гуруҳ ости гуруҳи, касалликнинг кечиши 1-3 йилни ташкил этган беморлар (IЭфа<sub>1</sub> 20 (13.9%) ва IMЭфа<sub>1</sub> 14 (25%)), иккинчи гуруҳ ости гуруҳни касаллик муддати 4-6 йилни эга булган беморлар ташкил этди (IЭфа<sub>2</sub> 16 (11.1%) ва IMЭфа<sub>2</sub> 11 (19.6%)), учинчи гуруҳ ости гуруҳ беморларни касаллик муддати 6 йилдан юқори бўлганлар ташкил этди (IЭфа<sub>3</sub> 21 (14.6%) ва IMЭфа<sub>3</sub> 6 (10.7%)). II гуруҳ беморлари ҳам юқорида келтирилган касаллик муддати бўйича гуруҳ ости гуруҳларига бўлинди (IIЭфа<sub>1</sub> 43 (29.9%) ва IIMЭфа<sub>1</sub> 12 (21.4%)), (IIЭфа<sub>2</sub> 21 (14.6%) ва IIMЭфа<sub>2</sub> 8 (14.3%)), IIЭфа<sub>3</sub> 23 - (15.97%) ва IIMЭфа<sub>3</sub> 5 (8.9%).

Эфа бемор болалар орасида 53 (36,8%) нафари қиз болалар ва 91 (63,2%) тасини ўғил болалар ташкил этди, МЭфа да қизлар 12( 21,4%), ўғил болалар эса 44 (88,6%) тадан иборат бўлди. Ўғил ва қиз болаларнинг нисбати 1:4 ни ташкил этди.

2 – босқич- тадқиқот муаммоларини ўрганиш жараёнида барча болалар клиник ва анамнестик (этиологик хусусиятларини аниқлаш учун), клиник-неврологик, нейропсихологик, невровизуализацион текшириш усуллари комплекс амалга оширилди. Мия структураларини таҳлил қилиш учун бош мия МСКТ («Siemens Magnetom Essenza», Германия, 1,5Тl), ПЭТ (позицион-эмиссион томография), ЭЭГ (электроэнцефалография) контрастсиз МРТ амалга оширилди. Ташхисни фарқлаш, касалликнинг оғирлигини аниқлаш, даво сифатини баҳолаш учун болаларга мослаштирилган FIM шкаласи (функционал эркинлик чоралари 1979 йил) қўлланилади, бу эса ёшга ва касалликнинг оғирлигига қараб восита интеллектуал ва ҳаракат зарарланиш даражасини аниқлаш имконини беради. FIM шкаласи бўйича норма 110-126 бал, патология билан, энг кам балл-0. Касалликнинг жиддийлиги мезонлари: енгил даража – 84-63 балл, ўртача оғирлик-62-47, оғир даража 46-21 балл, жуда оғир 20 балдан кам.

3 - босқич – тадқиқотнинг экспериментал қисми лаборатория шароитида бўлиб, унда церебролизин препарати масс-спектрометрия бўйича ўрганилиб (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Биорганик кимё институти), таҳлилни Agilent 1200 нано-оқава LC системани қўллаш билан қайтар фазали нано-LC-MS/MS, 6520В серияли SHIP-Q-TOFA gilent Technologies масс-спектрометр ёрдамида ва суюқлик хроматографияси ёрдамида амалга оширилди.


4-босқич - экспериментал тадқиқотлар СамДТИ илмий-тадқиқот марказидаги лаборатория шароитида 8 та0 каламушларини (180-200 гр) касаллантириш билан давом эттирилди. Ўткир Эфнинг экспериментал модели 80 хайвонларида (10 соғлом каламушлар), Besangon (1966) усулида амалга оширилди. Экспериментал хайвонларда касаллик аломатлари пайдо бўлгач улар ўлдирилиб макро-ва микроскопик текширувлар ўтказилди.

Даволаш тактикаси бўйича, экспериментал каламушлар 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (20 каламуш) анъанавий даво усулида жаволанади, 2-гуруҳ (30 каламуш) анъанавий даво усули ва церебролизиннинг турли дозаларини қабул қилишади ва буруҳ яна А,Б,В ухта кичик гуруҳга бўлинади; 3 - гуруҳ (20 каламуш) анъанавий даво ва озонланган церебролизин, 4 - гуруҳ хайвонларига (10 соғлом каламуш) фақат озонланган церебролизин қилинади.

5 – босқич-тадқиқот натижаларини математик прогношлаш ва статистик қайта ишлаш «Statistica for Windows 7,0» ва Microsoft Office Excel-2012 шахсий компьютерларининг стандарт дастур тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Эф ва МЭф нинг турли даврларида клиникаси ва кечишининг ўзига хослиги» деб номланган учинчи бобида энцефалит ва менингоэнцефалит асоратлари бўлган беморларнинг эпидемиологияси, касалликга олиб келувчи омиллар, клиник-неврологик ва интеллектуал хусусиятлари баён этилган.

Самарқанд вилоятида 2010-2021-йилларда энцефалит ва менингоэнцефалит асорати бўлган 200 нафар бемор болалар рўйхатга олинган (расм. 1).



Расм.1 Самарқанд вилоятидаги ЭФ ва МЭф билан касал болаларнинг тақсимланиши.

Инфекциянинг юқори даражаси аҳоли сонига боғлиқ бўлиб, энг юқори кўрсаткичларга кўра Самарқанд шаҳри ва Ургут тумани 28% дан ортиқ бўлган.

Клиник-анамнестик таҳлил 23,8% ҳолларда Эф чақирувчиси энтеровируслар; 21,5% - грипп вируси, герпес деб ҳисоблашга имконини берди. Қизиғи шундаки, текширилган болаларда TORCH инфекциясини 19,1% (она инфекцияси натижаси) ташкил этди. Саматоинфекция (пневмония, пиелонефрит) кам миқдорда 9,9%; 4,1% ҳолатда септик ҳолат касаллик сабаби бўлиб ҳисобланди.

Беморларда клиник ва неврологик бузилиш FIM шкаласи ёрдамида, биринчи ҳаракат бузилишлари, сўнгра интеллектуал ва руҳий ҳолат баҳоланди. Эфа да ҳаракат бузилиши қуйидагича баҳоланди: IЭфа<sub>1</sub> 34,3±3,1\*\* (p<0.001) балл, IIЭфа<sub>1</sub> 30,5±1.3\* (p<0.01), IЭфа<sub>2</sub> 49,0±4,5\* (p<0.01), IIЭфа<sub>2</sub> 52,8±2,1\*\* (p<0.001), ҳамда IЭфа<sub>3</sub> 51,8±3,5\* (p<0.01), IIЭфа<sub>3</sub> 53,1±3,2\* (p<0.01) балл. MЭфа да ҳаракат бузилиши FIM шкаласи бўйича баҳоланди: IMЭфа<sub>1</sub> 32,4± 4,3\* (p<0.01) балл, IIMЭфа<sub>1</sub> 29,8±1,4\*\* (p<0.001), IMЭфа<sub>2</sub> 35,0±1,5\*\* (p<0.001), IIMЭфа<sub>2</sub> 39,3±3,9\*\* (p<0.001), ва IMЭфа<sub>3</sub> 40,8± 4,4\*\* (p<0.001), IIMЭфа<sub>3</sub> 46,8±3,4\* (p<0.01) балл.


Интеллектуал ва руҳий ҳолатни баҳолаш диққат, нутқни тушуниш, оила аъзолари билан ўзаро мулоқот қилиш, ўйин ўйнаш қобилияти билан аниқланди. Шундай қилиб, Эфа билан; IЭфа<sub>1</sub> 11,3±0,9 \* (p<0,01) балл, IIЭфа<sub>1</sub> 9,7±0,5 \* (p < 0,01), IЭфа<sub>2</sub> 14,9±1,9 \* (p < 0,01), IIЭфа<sub>2</sub> 10,5±1,1\*\* (p < 0,001) ва IЭфа<sub>3</sub> 16,5±1,6\* (p<0,01), IIЭфа<sub>3</sub> 17,7±1,7\* (p<0,01) баллни ташкил этди. MЭфа да; IMЭфа<sub>1</sub> 10,1±1,3\* (p<0,01) балл, IIMЭфа<sub>1</sub> 10,1±0,5\* (p<0,01), IMЭфа<sub>2</sub> 8,1±0,6\*\* (p<0,001), IIMЭфа<sub>2</sub> 9,0±1,8\*\* (p<0,001) ва IMЭфа<sub>3</sub> 13,1±1,5\*\* (p<0,001), IIMЭфа<sub>3</sub> 13,0±0.8 \* (p<0,01) баллдан иборат бўлди. Эфа ва MЭфа стационарга қабул қилинганда ўртача балл Эфа да 54,3±3,6\*\* (p<0,001) ва MЭфа да 52,3±3,4\*\* (p<0,001) ни ташкил этди.

Шундай қилиб, энцефалит ва менингоэнцефалит касаллигининг тарқалиши аҳоли сонига ва ривожланишининг асосий этиопатогенетик омилига боғлиқ бўлиб, энтеровирус, грипп вируси ва герпесвирус ҳисобланади. Ноқулай перинатал ва постнатал фон болаларда касаллик хавфини кучайтиради ва оширади. Эфа ва MЭфа касалликларининг клиник-неврологик аломатлари ёшига, давомийлигига ва зарарланиш ўчоғига боғлиқ бўлади. Беморнинг неврологик ҳолати симптомларнинг оғирлик даражаси ва турғунлигига боғлиқ бўлиб, у Эфа га қараганда MЭфа да кўпроқ ривожлангандир.


Диссертациянинг «**Шахсий экспериментал тадқиқот**» деб номланган тўртинчи бобида церебролизиннинг лаборатор таҳлили ҳамда энцефалитнинг тажрибавий натижалари келтириб ўтилган.

2 ва 3 -расмлардан кўриниб турибдики, церебролизин таркиби масса спектрининг кейинги учта чўққисида келтирилган ва қуйидаги аминокислоталарнинг мавжудлиги исботланган: биринчи тепалик - аланин, фенилаланин ва аспартик кислота, Иккинчи чўққиси серин, метионин ва триптофан, учинчи чўққиси - лизин. Озонланишдан сўнг, иккинчи чўққида

аминокислоталар миқдори сезиларли даражада ошади, асосан метионин ҳисобига.



**2-расм. Церебролизин. 0,9%ли физиологик эритмада 5 дақиқа ушлаб турилгач**




**3-расм Церебролизин. 0,9%ли физиологик эритмада 15 дақиқа ушлаб турилгач**

Бундан ташқари, суюқлик хроматограммасининг нотекис майдонида церебролизин препаратининг пептид компонентлари тахлил қилинади, улар қуйидаги масс -спектрларда келтирилган. Бу таркибий қисмлар дипептидлар ва нейропептидлар, яъни церебролизиннинг энгил пептид фракцияларининг (200-500 Да) асосий компонентлари бўлган тиролиберин ва глутатендир. Шунингдек, церебролизин таркибида молекуляр оғирлиги 1000 дан 4000 Да гача бўлган каттароқ пептидлар топилган.

Церебролизин препаратининг озонланишидан сўнг, биз ион хроматограммасида кузатилиши мумкин бўлган пептидлар спектрида ўзгаришларни топдик, бу эрда хроматограмманинг бутун тубер қисми олдинга силжиган, бу препаратнинг таркибий молекулаларининг ҳидрофобиклигини пасайишини кўрсатади. Тубсимон қисмнинг хроматограммада силжиши туфайли, йўқолиш чўққиси ўрнида 7,2 мин ушлаб туриш муддати 6,8 минут бўлган тепалик пайдо бўлади.


Ўзгартирилган компонентларнинг масс-спектрлари қуйидагиларни кўрсатади:



4-расм Церебролизин. 10 дақиқа озонлангач



Молекуляр оғирлиги  $431,32 * 2 = 862,64$  Да ва  $684,47 * 2 = 1368,94$  Да бўлган иккита пептид. Озонлангандан сўнг, ўзгартирилган компонентларнинг масса спектрлари молекуляр оғирлиги  $435,36 * 2 = 870,72$  Да,  $476,38 * 2 = 952,76$  Да,  $540,93 * 2 = 1081,88$  Да ва  $869,69$  Да бўлган тўртта пептидни кўрсатади.



### 6-расм Церебролизин. 20 дақиқа озонлангач

Шундай қилиб, церебролизин препаратининг озонланиши препаратнинг пептид спектрининг таркибий ўзгаришига олиб келди, бу молекуляр оғирликлари 3936,5 Да ва 3969,5 Да бўлган пептидлар устунидан ажралиб чиқиш вақтининг ўзгариши билан тасдиқланади, полипептидларнинг иккиламчи тузилишининг ўзгариши турган гапдир.

Ишнинг экспериментал қисмининг асосий хусусиятларидан бири оқ тажриба каламушларида Эфа модели яратилгач, уларда озонланган церебролизиннинг даво мақсадида ишлатиш ҳамда унинг нечоғлик ахамиятли эканлигини исботлашдир. Экспириментал гуруҳда морфологик тадқиқот, бош мияда тўқимасида 15-20 кунларда макроскопик визуал яллиғланиш жараёнининг аломатлари пайдо бўлишини ақс эттирди. Энцефалитларда бош мия пўстлоғининг айрим жойларида қисман унчалик яққол намоён бўлмаган қизариш, ривожланмаган пушталарнинг силлиқлашуви пайдо бўлади. Бош мия қон томирларининг димланиши, мия пардаларида шиш ҳосил бўлади. 29-30 кунларда макроскопик бош мия тўқимасида ликвор миқдорининг ошиши ҳисобига шиш кўпайиб, кўп миқдорда нуктали қон қуйилишлар юз беради. Кесмада бош мия пўстлоғида кул ранг-сарғиш ёки кул ранг-жигар рангли аниқ чегарали некроз сохалари аниқланади. Улар бош мия пўстлоғининг юза ҳамда барча қаватларида намоён бўлади.

Тадқиқотни олиб борилиши асносида, оқ каламушларда касалликнинг асоратларида даво муолажалари олиб борилди.

Ўткир энцефалитда анъанавий давонинг 55-60 кунларида микроскопик яллиғланиш ўчоғи атрофида тарқалган периваскуляр шиш ва

микроглиялардан иборат макрофаглардан ташкил топган мия ичи яллиғланиш инфилтрати аниқланди. Бу жараён асаб тўқимасининг диффуз ва ўчоқли глиози каби иккиламчи асоратларнинг ривожланиши билан тугайди. Бош миянинг оқ моддасида қўпол толали чандиқли жараён хосил бўлади (глиоз, нейроглиал склероз). Бу ҳолат энцефалитнинг асорати ҳақида хабар беради.


1 гуруҳ (20 каламуш Эфа билан) анъанавмй даво муолажаларини қабул қилган тажриба хайвонларидир. Ижобий клиник динамика фониди морфологик суръатда ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди: асаб тўқимасида периваскуляр ва перицеллюляр шиш миқдорининг камайиши кузатилди. Қон томирлар тўрида томир ичининг кенгайиши, бош мия пўстлоғида глиал хужайралар ва чандиқли жараённинг камайиши кузатилади. Баъзи юбир қон томирларнинг ичида қоннинг шаклли элементлари билан тўлган. Қон томир девори эндотелиясининг десквамациясига учраган қон томирлар ҳам учрайди. Бош мия пўстлоғида бош мия пардалари билан туташган унча катта бўлмаган геморрагия ва глиал хужайралар ҳам учраб туради. Глиялар томонидан учрайдиган пролефератив жараён бир меёрда кузатилмайди. Анъанавий даводан сўнг глиал хужайраларнинг қўпайиши чандиқли ҳолатнинг кузатилишига олиб келади. Бунинг асносида бош миянинг пешона-теппа-чакка сохаларида ўртача зичликдаги чандиқларни кузатишимиз мумкин.

2 гуруҳ (30 каламуш Эфа билан), А гуруҳ ости гуруҳда 180-200 граммлик оқ бемор каламушларга вена ичига 0,02 мл дозада церебролизин юборилади. Даво муддати 20 кунни ташкил этади. Ушбу муддат дорининг терапевтик самарадорлиги юзага келиши билан изоҳланади. Ушбу муддатда клиник жихатдан ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда морфологик қуйидаги ўзгаришлар ҳам намоён бўлди: асаб тўқимасининг структурасидаги периваскуляр ва перицеллюляр шиш миқдори камайди. Қон томирлар тўрида томир ичининг кенгайиши аниқланди. Мия қоринчалари девори бир қатор эпителиялар билан қопланиб, унинг қон томирлари бўшашиб ичи элементлардан холи бўлган. Мия тўқимасининг субэпиндимиял сохаларида компенсатор характердаги астроцитларнинг ўчоқли пролеферацияси аниқланди.

Б гуруҳ ости гуруҳида церебролизин 0,05 мл дозада вена ичига юборилган. Бош мия тўқимасининг морфологик суръати қуйидагилардан иборат бўлди: бош мия пўстлоғи ва оқ моддасида хажми унчалик катта бўлмаган гемотоген ва махаллий келиб чиқишига биноан қон томир-бириктирувчи тўқима аппаратининг васкуляр ва периваскуляр тўқима инфилтратлари кузатилди. Оқ моддада сийраклашган, интенсивлиги бўйича унчалик ривожланмаган пролефератив жараён юзага келиб, қайсики кичик чандиқли жараённи хосил бўлишига олиб келди. Мия тўқимасида перицеллюляр шиш миқдорининг камайиши кузатилди. Баъзи юбир қон томирларнинг ичида қоннинг шаклли элементлари билан тўлган. Қон томирлар тўрида томир ичининг кенгайиши аниқланди. Қон томир девори эндотелиясининг десквамациясига учраган қон томирлар ҳам учрайди. Бош мия пўстлоғида бош мия пардалари билан туташган унча катта бўлмаган

геморрагия ва глиал хужайралар ҳам учраб туради. Мононуклеар-макрофагал микроглиал хужайралар аниқланди. Бир хужайрали тўқималарнинг ўзаги бошқа тўқима ядроларига нисбатан каттароқ бўлиб, жойларда кўпиксимон макрофагсимон таначалар пайдо бўлди.

В гуруҳ ости гуруҳда 180-200 граммлик оқ бемор каламушларга вена ичига 0,1 мл дозада церебролизин юборилади. Бу даврда микроскопик периваскуляр шиш билан намоён бўлувчи бош мия тўқимасининг сийраклашуви кузатилди. Астроцитлар цитоплазмаси хажмига катталашган, ўзаклари гипертрофиялашган, айрим жойларда ўзакчалар пайдо бўлган. Астроциларнинг ўсиқлари узайган ва эозонофилланган. Жойларда физиологик регенерация ва апаптоз аломатларига эга бўлган нейрофагияга учраган хужайралар аниқланади (Расм. 4).




**Расм. 4. Каламуш мия тўқимасининг ривожланган сийраклашуви. Периваскуляр шиш кучли ривожланган. Бўёқ: гематоксилин-эозин. X: ок.10, об.20 (200 марта катталаштирилган).**

Шундай қилиб анъанавий даво билан биргаликда катта дозада церебролизиннинг қўлланилиши, морфологик суръатда нейронларнинг тикланиш вақтида ишемик ўчоқлар аниқланди. Бизнинг фикримизча ишемик ўчоқ атрофидаги нейронларнинг ўлими кескинлашиб биз қутаётган клиник манзаранинг салбий томонга силжишига олиб келади.


3-гуруҳда (энцефалит асорати билан 20 та каламуш) анъанавий дово билан биргаликда озонланган церебролизин қўлланилиб, бу эса ўз навбатида 20 кун мобайнида касалликнинг клиникасида ва бош мия пўстлоғи ва оқ моддасида ижобий ўзгаришлар билан намоён бўлди. Бу даврда якка-якка бош мия пўстлоғи ва оқ моддасида хажми унчалик катта бўлмаган гемотоген ва маҳаллий келиб чиқишига биноан қон томир-бириктирувчи тўқима аппаратининг васкуляр ва периваскуляр тўқима инфилтратлари кузатилди. Мия тўқимасидаги периваскуляр шиш якка-якка бўлиб унчалик катта хажмда эмас. Қон томирлар ўзани бироз кенгайган. Қон томирлар ичи қон элементлари билан тўлган, баъзи жойларда диапедез қон қуйилишлар аниқланади. Анаъанавий даво муолажасидан сўнг қон томир девори эндотелиясининг десквамациясига учраган қон томирлар ҳам учраган эди.

Озонланган церебролизин қўлланилгач мия пўстлоғи структураси ва оқ моддасида пролифератив жараён кузатилмади. (Расм.5).



**Расм. 5. Озонланган церебролизин қўлланилгач 20 кундан сўнг. Гистопрепаратда микромирларнинг кенгайиши, лейкоцитлар миграцияси, макрофагларнинг хосил бўлиши ва кам ривожланган периваскуляр ва перицелюляр шиш аниқланди. Бўёқ: Ван-Гизон. X: ок.10, об.20 (200 марта катталаштирилган).**

4 гуруҳда соғлом каламушларга томир ичига 0,02 мл озонланган церебролизин юборилди. Юборилгач микроскопик қон томирлар эпендимаси тўлақонли, астроцитлар цитоплазмаси ўлчови бир хил бўлиб ўзакчалар аниқланмади. Астроцитлар ўсиқлари ҳам бир хил ўлчамга эга. (Расм.6.). ушбу гуруҳдаги текшириш озонланган церебролизиннинг токсик эмаслигини исботлаш учун зарур эди.



**Расм.6. бош мия тўқимасининг енгил перицелюляр шиши. Бўёқ: гематоксилин-эозин. X: ок.10, об.20 (200 марта катталаштирилган).**

Шундай қилиб, II ва III экспериментал гуруҳлар оқ каламушларининг мия тўқимасининг қиёсий морфологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, озонланган церебролизин таъсирида бўлган ушбу экспериментал субъектларда мия микро тузилмаларини тиклаш динамикасида сезиларли

фарқ бор. II экспериментал гуруҳ каламушларида ишемия ва гипоксиянинг белгилари аниқроқ, астроцитлар ва глиал тузилмалардаги компенсацион ўзгаришлар камроқ сезилган. Учинчи экспериментал гуруҳда мия қоринчалари хужайралари гиперхромик, гиперемик, баъзан икки қаторли бўлиб, папиллер рамификацияни ҳосил қилади,. Масс-спектрал таҳлил, озонланган церебролизин хроматограммаси препарат таъсирининг кичик дозаларда ошишини, полипептидлар ажратадиган иккиламчи тузилмаларнинг токсиклигини ва гипоаллергенликни пасайишини кўрсатади. Озонланган церебролизин билан экспериментал Эф ва МЭф ни даволаш пайтида, бу даволаш усулининг мия тузилмаларининг нейропластиклигига ва миёда нейроген ва ангиоген регенератив жараёнларнинг юқори даражасига ижобий таъсири исботланган. Бу препаратнинг яхши бардошлилиги, ижобий клиник ва макро-микро-морфологик расм билан, айниқса касалликнинг узок муддатли даври билан тасдиқланади.

Дисертациянинг **"Эф ва МЭф асоратларида нейрофизиологик ва невровизализацион параметрларининг ўзига хос хусусиятлари"** деб номланган бешинчи бобида Эф ва МЭф асоратларининг нейрофизиологик ва электрофизиологик текшириш усулларини ўрганиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Электроэнцефалографик текшириш 93 нафар энцефалит ва 42 нафар менингоэнцефалит асоратлари бўлган беморларда ўтказилди. 86,7% ҳолатда бош мия биоэлектрик фаолликнинг (БЭФ) ривожланган ёки қисман ўзгаришлари аниқланди. Аксарият ҳолатларда ЭЭГ текшируви стационарга ётган куни ҳамда даволаниш жараёнида ва амбулатор шароитда ўтказилди. Беморларни гуруҳ ва гуруҳ ости гуруҳларга бўлганлигимиз учун натижалар қуйидагича тус олди:

ИЭфа<sub>1</sub> альфа-ритм амплитудасининг ўзгаришлари, ярим шарлар аро асимметрия, альфа-ритмнинг амплитудаси 20 мкВгача пасайиши, ёки 110-120 мкВгача ошиши ва кўпгина ҳолатда амплитуданинг анчагача пасайиши кузатилди. 10% ҳолатда паст амплитудали енгил диффуз ўзгаришлар, 25% ҳолатда алфа ритм амплитудасининг ўта пасайиб кетиши, шунингдек 35% ҳолатда бош миёнинг морфофункционал етишмовчилиги кузатилди. Фақат 10% ҳолатда юқори амплитудали разрядларнинг синхронизацияси ва синхронлашган элепсиясимон ЭЭГ лента кузатилди.

ИЭфа<sub>2</sub>да 32,3% ҳолатда бош мия энса соҳасидаги юқори частотали пароксизмал ҳолат ва деформациялашган ритмлар аниқланди. 18,8% беморларда тетта (тетта тўлқин амплитудаси 72 мкВни атшиқил этди.) ва делта тўлқинларда тутқаноксимон фаоллик аниқланиб, унинг амплитудаси 20 мкВдан паст, альфа ритм 110-120 мкВ гача ошиши кузатилди. ИМЭфа<sub>2</sub>да ЭЭГ натижаларида альфа ритмнинг пасайиши ва тутқаноксимон тўлқиннинг қайд этилди.

ИЭфа<sub>3</sub>да 33,3% беморларда 125 мкВ амплитудали синхронотрон тўлқинлар аниқланди, ИМЭфа<sub>3</sub>да альфа тўлқиннинг ритми ва амплитудасининг пасайиши кузатилиб, пародаксал реакция ва тета тўлқиннинг пароксизмал ҳолати аниқланди.



ПЭфа<sub>1</sub>да ЭЭГ кўрсаткичларида альфа тўлқиннинг 40,7±4,2 мкв тенг тебраниши, 25% холатда пешона-тепа сохада бета тўлқиннинг амплитудаси 15,3±2,4 мквни ташкил этди. ПМЭфа<sub>1</sub>да дельта ва алфа тўлқинларнинг фаоллиги пасайиши, ёки тўлиқ йўқолиши кузатилди.

ПЭфа<sub>2</sub>да ЭЭГ натижаларида қуйидаги фаолликлар индекси қайд этилди: α тўлқин-77,5±4,8 МВ, β тўлқин-32,5 ±2,1 МВ, θ тўлқин-129,5±2,9 МВ. ПМЭфа<sub>2</sub>да алфа ритм амплитудаси частотага қараб ўзгариб турди, билан алфа ритм такрорланиши ва диполиформ алмашиниши кузатилиб, бунда тўлқинлар секинлашиб фаоллигини ўзгартиради.

ПЭфа<sub>3</sub>да ЭЭГ кўрсаткичлари юқори частотали ва паст амплитудали десинхронизация-секвенирланиш, α-тўлқин амплитудаси 15,5±1,7 мквни ташкил этди, кўпчилик беморларда алфа тўлқин амплитудаси ва фаоллиги ошиши кузатилди. ПМЭфа<sub>3</sub>да ЭЭГ натижаларида чакка ва энса бўлакларда алфа тўлқинларнинг синхронизацияланиши кузатилиб, амплитудаси 25,7±1,2 мквни ва шу даврда паст частотали α – тўлқин - 15,2±1,2 мкВни ва тепа – энса сохаларда паст частотали альфа-индикатор ритми аниқланиб, β-тўлқин амплитудаси 27,3±3,9 мквгача ўзгариши кузатилди.

Эфа ва МЭфаларда даволашгача нейровизуализацион КТ (катамнестик анализ) текширув натижалари 1-жадвалда кўрсатилган. Эфа билан етти нафар беморда (6,25%) КТ текширувда бош мияда патологик ўчоқли белгилар аниқланмади, шу сабабли уларга ПЭТ текшируви ўтказилди.

